



CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF COMBATING HUMAN TRAFFICKING AND IMPROVING INTER-AGENCY COOPERATION

Odilbek Lazizovich Urinov

Chief Specialist of the Operational-Search Department

of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Captain

E-mail: odilbekurinov07@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: human trafficking, inter-agency cooperation, victim-centered approach, national referral mechanism, procedural deadlines, regional prevention.

Received: 05.05.26

Accepted: 06.05.26

Published: 07.05.26

Abstract: The article analyzes the conceptual foundations of combating human trafficking and the mechanisms of cooperation between law enforcement agencies and state organizations. It highlights the transition of state policy towards a “victim-centered approach” and identifies existing procedural, bureaucratic, and organizational challenges in inter-agency integration. Based on international standards, specific innovative and regional models are proposed to improve the effectiveness of the national referral mechanism.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Одилбек Лазизович Уринов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Тезкор-қидирув департаменти

бош мутахассиси, капитан.

E-mail: odilbekurinov07@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: одам савдоси, идоралараро ҳамкорлик, жабрланувчини марказга қўювчи ёндашув, миллий йўналтириш механизми, процессуал муддатлар, минтақавий профилактика.

Аннотация: Мақолада одам савдосига қарши курашишнинг концептуал асослари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари таҳлил қилинган. Давлат сиёсатининг

“жабрланувчини марказга кўювчи ёндашув”га ўтиши, шунингдек, идоралараро интеграция жараёнидаги процессуал, бюрократик ва ташкилий муаммолар ёритиб берилган. Халқаро стандартлар асосида миллий йўналтириш механизмини такомиллаштиришнинг инновацион ва минтақавий моделлари ишлаб чиқилган.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕЖВЕДОМСТВЕННОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ

Одилбек Лазизович Уринов

Главный специалист Департамента
оперативно-розыскной деятельности
МВД Республики Узбекистан, капитан.
E-mail: odilbekurinov07@gmail.com
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
торговля людьми, межведомственное взаимодействие, личностно-ориентированный подход, национальный механизм перенаправления, процессуальные сроки, региональная профилактика.	В статье анализируются концептуальные основы противодействия торговле людьми и механизмы взаимодействия правоохранительных органов и государственных организаций. Освещен переход государственной политики к «подходу, ориентированному на жертву», а также процессуальные, бюрократические и организационные проблемы в процессе межведомственной интеграции. На основе международных стандартов разработаны инновационные и региональные модели совершенствования национального механизма перенаправления.

Кириш. Одам савдоси жинояти — бу шунчаки оддий ҳуқуқбузарлик тури эмас, балки ўзининг транснационал, яширин ва кўп қиррали табиати билан бутун бир давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва хавфсизлик тизимларига таҳдид солувчи мураккаб феномендир. Шундай экан, ушбу иллатга қарши курашиш учун фақатгина жиноят-ҳуқуқий (жазолаш) сиёсатининг ўзи ҳеч қачон қўтилган натижани бермайди. Бунинг учун давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ижтимоий, тиббий, дипломатик ва таълим тузилмаларини ягона мақсад

атрофида бирлаштирувчи мустаҳкам концептуал пойдевор ва идоралараро ҳамкорлик механизми яратилиши лозим.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш сиёсати фрагментар (тарқоқ ва вақтинчалик) ёндашувдан тизимли давлат стратегияси даражасига кўтарилди. Ушбу концептуал трансформациянинг таркибий асослари Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг фаолиятида ўз аксини топган. Миллий комиссиянинг сўнги йиллардаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, давлатнинг фақат жиноят оқибатлари билан курашувчи тизимдан воз кечиб, жиноятнинг туб сабабларини бартараф этувчи ва масъул идораларнинг ҳаракатларини реал вақт режимида мувофиқлаштирувчи янги авлод стратегиясини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланганлигини кўриш мумкин бўлади.

Шундай бўлса-да, амалиётда мазкур концептуал ғояларни рўёбга чиқариш, хусусан, Ички ишлар органлари, ДХХ, Прокуратура ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда “ННТ”) ўртасидаги узлуксиз интеграцияни таъминлашда қатор процессуал, бюрократик ва ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, ушбу мақола доирасида Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги ҳамкорлик механизмларини халқаро стандартлар билан қиёсий таҳлил қилиш, тергов амалиётидаги процессуал муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни такомиллаштиришнинг инновацион ва минтақавий моделларини ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Асосий қисм. Одам савдосига қарши кураш сиёсатининг самарадорлиги давлатнинг ушбу таҳдидга нисбатан қандай концептуал позицияни эгаллаганлигига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда давлат сиёсатининг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан белгилаб берилаётган бўлиб, Миллий комиссиянинг йиллик ҳисоботлари ва маърузаларида одам савдосига қарши курашда идоралараро мувофиқлаштирувчи кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш ва энг асосийси – жабрланувчиларни реабилитация қилишнинг марказлашган тизимини яратиш энг устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди. Ушбу концептуал мақсадларнинг моҳияти шундан иборатки, давлат фақатгина жиноят содир этилгандан кейинги жазо чоралари билан чекланиб қолмасдан, балки потенциал қурбонларни барвақт аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг комплекс тизимини яратишга ўтмоқда.

Мазкур мақсадларни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан мустаҳкамлашда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ - OSCE) томонидан ишлаб чиқилган ва бутун

дунё учун методологик эталон ҳисобланган “Миллий йўналтириш механизмлари: Одам савдоси қурбонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кучларни бирлаштириш” (National Referral Mechanisms - NRM) қўлланмаси базавий асос вазифасини ўтайди [3]. ЕХХТ стандартига кўра, Миллий йўналтириш механизми (МЙМ) – бу шунчаки қоғоздаги баёноат эмас, балки жабрланувчиларни аниқлаш, ҳимоя қилиш ва реабилитация қилиш жараёнида давлат органлари ва ННТ ўртасидаги вазифаларни қатъий тақсимловчи, уларнинг ҳаракатларини бирлаштирувчи ва масъулиятини белгиловчи аниқ ҳамкорлик алгоритмидир.

Ўзбекистон миллий қонунчилигига ушбу илғор концепцияни тўғридан-тўғри имплементация қилиш мақсадида қатор инқилобий қадамлар ташланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон Қарори билан миллий ҳуқуқ тизимимизда илк бор “Одам савдосидан жабр кўрганларни миллий даражада йўналтириш тартиби” белгилаб берилди. Ушбу механизм янада такомиллаштирилиб, 2023 йил 27 июндаги ПҚ-210-сон Президент Қарори билан одам савдоси қурбонларига ижтимоий-психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўлиқ халқаро стандартларга мослаштирилди. Эндиликда Ички ишлар органлари, Ташқи ишлар вазирлиги (консулликлар), Соғлиқни сақлаш ва Бандлик вазирликлари (одам савдоси жабрдийдаларини идентификация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар (жами 7 та)) қурбонни аниқлаган заҳоти МЙМ доирасида бир-бирини хабардор қилиши ва жабрланувчига комплекс ёрдам кўрсатишининг тартиблари белгилаб берилди.

Бироқ, илмий таҳлилларимиз ва амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, мукамал норматив базанинг мавжудлиги амалиётда Миллий йўналтириш механизмининг юз фоиз ишлашини автоматик равишда кафолатламайди. Асосий муаммо – масъул идоралар ўртасидаги ахборот алмашинувининг ҳанузгача вертикал (бюрократик) характерда эканлиги ва “горизонтал” (тўғридан-тўғри) алоқаларнинг сустлигидир. Масалан, чегара ҳудудида боғжона ёки чегара қўшинлари томонидан потенциал қурбон аниқланганда, бу ҳақдаги маълумот ижтимоий ҳимоя органларига етиб боргунига қадар бир нечта идоралараро ёзишмалар босқичидан ўтади. Ваҳоланки, ЕХХТнинг NRM стандарти масъул идораларнинг қуйи бўғин ходимлари (масалан, оддий инспектор ва маҳаллий шифокор) ўртасида ҳеч қандай тўсиқларсиз, реал вақт режимида маълумот алмашиш имконини берувчи рақамлаштирилган платформа бўлишини талаб қилади. Демак, миллий концептуал асосларимиз халқаро даражага кўтарилган бўлса-да, унинг ижро механизми технологик ва бюрократик янгиланишни талаб этмоқда.

Одам савдосига қарши курашнинг энг олд fronti – бу жиноятни барвақт аниқлаш, фош этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш босқичи бўлиб, у тўлиқлигича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор-қидирув ва тергов жараёнидаги ҳамкорлигига таянади. БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан ишлаб чиқилган “Одам савдосига қарши курашиш бўйича воситалар тўплами”нинг “Идоралараро ҳамкорлик” бобида халқаро стандарт сифатида қатъий белгилаб қўйилганки: транснационал жиноятларни фош этишда маҳаллий полиция, чегара хизмати ва молиявий разведка органлари ўртасидаги реал вақт режимидаги ахборот алмашинуви жиноят занжирини узишнинг ягона ва энг самарали йўлидир [4].

Аммо миллий амалиётимизда мазкур интеграция жараёни қатор ташкилий ва юридик тўсиқларга дуч келмоқда. Я.А. Абдулҳақов одам савдоси жиноятларини тергов қилиш хусусиятларига бағишланган диссертация тадқиқотида мазкур муаммони чуқур ёритиб беради. Олимнинг кузатувларига кўра, тезкор ходимлар томонидан узоқ вақт давомида тўпланган ашёвий далиллар (аудио-видео ёзувлар, электрон ёзишмалар ва ҳ.к) терговчига топширилгандан сўнг, уларни процессуал жиҳатдан “легаллаштириш” босқичида жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Тезкор тадбирларни режалаштириш босқичидаёқ терговчининг жалб қилинмаслиги (яъни, қўшма тезкор-тергов гуруҳининг барвақт тузилмаслиги) оқибатида, кўплаб муҳим далиллар судда мақбул далил сифатида тан олинмаяпти ва жиноят ишлари қуламоқда [5].

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашдаги фаолиятини концептуал жиҳатдан баҳолаш эканми, бугунги кунга қадар миллий профилактика тизимимизда устунлик қилиб келаётган “универсаллаштириш” (барча ҳудудлар учун бир хил тарғибот ва превенция чораларини қўллаш) сиёсатининг самарадорлигини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Глобал миқёсда олиб борилган замонавий криминологик ва социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, транснационал жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омиллар ҳар бир минтақанинг ўзига хос географик, демографик ва иқтисодий хусусиятларига қараб кескин фарқ қилади.

Мазкур йўналишда Денвер университети тадқиқотчиси Аманда Гулд томонидан ҳимоя қилинган “Замонавий қуллик: Минтақавий фокус” номли фундаментал магистрлик диссертацияси жаҳон виктимологиясида янги концептуал йўналишни бошлаб берди. А. Гулднинг макроиқтисодий ва криминологик моделлаштиришга асосланган энг асосий хулосаси шундан иборатки, одам савдоси ва замонавий қулликка қарши курашда “бутун дунё учун ягона қолипдаги” дастурлар мутлақо ишламайди.

Олиманинг таҳлилларига кўра, жиноятнинг сабаблари мутлақ қашшоқлик билан эмас, балки маҳаллий дисбаланслар билан боғлиқдир. Масалан, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, айрим минтақаларда одам савдосига инсонларнинг базавий ҳуқуқий саводхонлиги йўқлиги ва таълим тизимининг қоқоқлиги сабаб бўлса, бошқа минтақаларда (ҳатто таълим даражаси юқори бўлса-да) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг етишмаслиги ва сурункали ишсизлик асосий катализатор вазифасини ўтайди. Шундан келиб чиқиб, олима қатъий минтақавий ёндашувни таклиф этади: давлат ва халқаро ташкилотлар ўз ресурсларини “кўр-кўрона” сарфламадан, баъзи ҳудудларда айнан таълимга, бошқа ҳудудларда эса бевосита иш ўринлари яратишга ва инфратузилмага йўналтириши керак [6].

А. Гулднинг ушбу минтақавий концепциясини Ўзбекистон ва Марказий Осиё шароитига татбиқ қиладиган бўлсак, миллий идоралараро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган превентив тадбирларнинг нақадар “шаблонлашиб” қолганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда Ички ишлар органлари, Маҳалла ва меҳнат органлари томонидан республиканинг барча вилоятларида бир хил мазмундаги тушунтириш ишлари, буклетлар тарқатиш ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Ваҳоланки, минтақавий концепция нуқтаи назаридан қараганда, Фарғона водийси аҳолисининг миграцион хусусиятлари ва виктимлик сабаблари Қорақалпоғистон Республикаси ёки Сурхондарё вилоятидаги сабаблардан тубдан фарқ қилади.

Бир ҳудудда хотин-қизларнинг шахвоний эксплуатация мақсадида хорижга (асосан Туркия ва Яқин Шарқ давлатларига) олиб кетилиши юқори кўрсаткични ташкил этса, бошқа ҳудудда эркакларнинг меҳнат эксплуатацияси мақсадида (МДХ давлатларига) трафиги устунлик қилади.

Ушбу минтақавий дисбалансни миллий статистик рақамлар мисолида қиёсий таҳлил қилсак, манзара янада ойдинлашади. Масалан, Қашқадарё вилоятида 2024 йилда қайд этилган 8 та одам савдоси жиноятининг 7 тасини, 2025 йилда аниқланган 11 та ҳолатнинг эса 5 тасини чақалоқ савдоси ташкил этган. Ўйиборлиси шундаки, биргина Қашқадарё вилояти 2025 йилда республика бўйича аниқланган жами 32 та чақалоқ савдоси жиноятларининг қарийб 15,6 фоизини ташкил қилган.

Бунинг мутлақо акси ўлароқ, Хоразм ва Бухоро вилоятларида виктимологик портрет бутунлай шахвоний эксплуатацияга ихтисослашган. Статистикага кўра, 2024 йилда Хоразмда аниқланган 21 та жиноятдан 20 таси, Бухородаги 21 та жиноятдан 19 таси айнан шахвоний эксплуатация билан боғлиқ бўлган. 2025 йилда ҳам бу тенденция сақланиб,

Бухородаги 16 та ҳолатдан 13 таси, Хоразмдаги 18 та ҳолатдан 15 таси шахвоний кулликни ташкил этган. Ушбу икки ҳудуд 2024 йилда бутун республикадаги шахвоний эксплуатация жиноятларининг 30,2 фоизини (39 та), 2025 йилда эса 19,5 фоизини (28 та) ташкил этиб, жиноятчиликнинг минтақавий марказига айланган [10].

Ушбу кескин статистик тафовут давлат ташкилотларининг профилактика дастурлари фақатгина республика даражасидаги ягона шаблон билан эмас, балки ҳар бир вилоятнинг ўзига хос «Жиноятчиликнинг минтақавий харитаси» асосида қайта қурилиши шартлигини инкор этиб бўлмас факт сифатида исботлайди.

Демак, давлат ташкилотларининг ҳамкорлиги фақатгина республика даражасида эмас, балки айнан маҳаллий даражада – ҳар бир вилоятнинг ўзига хос “Жиноятчиликнинг минтақавий харитаси” асосида қайта қурилиши шарт. Бу эса ўз навбатида, Одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар фаолиятида ягона Давлат дастури билан биргаликда, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий паспортдан келиб чиққан ҳолда “Минтақавий (ҳудудий) мақсадли профилактика дастурларини” ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Одам савдосига қарши курашда NRM ва минтақавий дастурларнинг муваффақиятли ишлаши бевосита ушбу жараёнга жалб этилган мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда потенциал қурбонлар билан биринчи бўлиб полиция ёки терговчи эмас, балки тиббиёт ходимлари, мактаб ўқитувчилари ёки чегарадаги дипломатик ва иммиграция хизмати ходимлари тўқнаш келдилар.

Мазкур муаммони Марказий Осиё давлатлари мисолида чуқур тадқиқ қилган тожикистонлик олима Н.А. Муллажонова ўзининг диссертация ишида бутунлай янги концептуал ёндашувни илгари суради. Олиманинг таъкидлашича, давлатнинг превентив сиёсати фақатгина қисқа муддатли чора-тадбирлардан эмас, балки узоқ муддатга (масалан 10 йилга) мўлжалланган Одам савдосига қарши курашиш бўйича янги авлод Давлат дастурини қабул қилишни талаб этади. Ушбу дастурнинг энг марказий ўзаги – бу фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни эмас, балки суд, соғлиқни сақлаш, таълим, дипломатик ва иммиграция хизматлари ходимларини одам савдоси қурбонларини барвақт идентификация қилишга ўргатувчи “Идоралараро махсус ўқитиш ва малака ошириш дастурларини” мажбурий тарзда жорий этишдан иборатдир [11]. Яъни, шифокор беморнинг танасидаги жароҳатлардан ёки унинг руҳий ҳолатидан одам савдоси аломатларини ўқий

олиши, дипломат эса виза сўраб келган шахснинг хатти-ҳаракатидан ёлловчининг қурбони бўлаётганини сеза билиши керак.

Мутахассисларнинг ушбу кенг қамровли тайёргарлиги кейинги босқичда халқаро стандартларга мос келувчи “Кўп тармоқли ёндашув” механизмини яратишга хизмат қилади. Халқаро Миграция Ташкилотининг одам савдосига қарши курашга бағишланган ҳисоботларида кўп тармоқли ёндашув давлат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ва фуқаролик жамияти (ННТ) вакилларида иборат “Бирлашган мобил гуруҳлар” шаклида ишлаши энг самарали усул сифатида эътироф этилади [12]. Бунда ҳар бир идора ўз ваколати доирасида ҳаракат қилса-да, қурбонни реабилитация қилиш жараёни ягона марказдан ва муштарак тарзда амалга оширилади.

Қонунчиликни мазмунан унификация қилиш билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни рақамлаштириш ҳам концептуал аҳамият касб этади. Машҳур криминолог олим В.С. Овчинскийнинг полиция ҳамкорлиги ва идоралараро ахборот алмашинувига бағишланган монографик тадқиқотларида таъкидланишича, криминологик профилактиканинг замонавий модели фақатгина “Ягона марказлашган маълумотлар базаси” орқали ишлаши мумкин [13].

Олимнинг моделларига кўра, транснационал жиноий гуруҳларни фош этишда турли идораларнинг тарқоқ тезкор-қидирув базалари ва сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ягона платформага бирлаштирилиши шарт. Бунда чегарани кесиб ўтаётган потенциал қурбон ёки халқаро қидирувдаги ёлловчи ҳақидаги сигнал барча идораларга, жумладан, энг чекка ҳудуддаги тезкор ходимга ҳам бир сонияда етиб боради. Айнан мана шундай интеграция жиноятни ҳали эксплуатация босқичига ўтмасдан – тайёргарлик жараёнидаёқ бартараф этишга хизмат қилади.

Хулоса. Одам савдосига қарши курашишнинг концептуал асосларини, ЕХХТнинг Миллий йўналтириш механизмини (NRM) ва маҳаллий ҳамда хорижий олимларнинг тадқиқотларини чуқур компаративистик таҳлил қилиш натижасида, миллий қонунчилигимиз ва идоралараро ҳамкорлик амалиётини янги босқичга олиб чиқувчи қуйидаги илмий-амалий таклифларни илгари сурамиз:

биринчидан: давлатнинг одам савдосига қарши кураш сиёсатида эълон қилинган “жабрланувчини марказга қўювчи ёндашув концепцияси”нинг реал ижросини таъминлаш мақсадида, миллий қонунчиликда “жабрланувчиларни барвақт руҳий-ижтимоий реабилитация қилиш” институтини қатъий процессуал мажбурият сифатида мустаҳкамлаш. Бунда, жиноят иши бўйича тергов муваффақияти фақатгина айбдорни жазолаш билан эмас,

балки процессуал ҳаракатлар билан параллел равишда жабрланувчига кўрсатилган тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамнинг натижадорлиги (унинг жамиятга тезроқ интеграция бўлиши) билан ўлчаниши кафолатланиши шарт;

иккинчидан: идоралараро ҳамкорлик ва кўп тармоқли ёндашувнинг муваффақияти бевосита миллий жинойт қонунчилигининг нақадар мукамал ва яхлит эканлигига боғлиқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 135-моддаси диспозициясидаги “эксплуатация” тушунчасини кенгайтириш ва унификация қилиш лозим. Хусусан, замонавий криминологик таҳлилларга таянган ҳолда, эксплуатация турлари қаторига “тиланчиликка мажбурлаш” ҳамда “қул меҳнатидан фойдаланиш ёки шахсни қулга ўхшаш ҳолатда ушлаб туриш” деган аниқ юридик квалификацияларни мажбурий норма сифатида қўшиш. Мазкур ўзгартириш терговчилар ва судлар учун жинойтни квалификация қилишдаги сунъий қийинчиликларни бартараф этади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ягона процессуал амалиётини шакллантиради;

учинчидан: одам савдосининг келиб чиқиш сабаблари ҳар бир ҳудудда турлича эканлигини инобатга олиб, республиканинг барча ҳудудлари учун “ягона қолипдаги” дастурлардан воз кечиш ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича “Ҳудудларнинг ижтимоий-криминологик паспортига асосланган мақсадли дастурлар”ни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан: идоралараро ахборот алмашинувидаги қоғозбозлик ва бюрократияни йўқ қилиш мақсадида, Ўзбекистонда ИИБ, ДХХ, ТИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Истиқболли авлод” каби йирик ННТларни ягона тармоққа бирлаштирувчи “Миллий йўналтириш механизмининг ягона рақамли платформаси”ни яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июндаги ПҚ-210-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорлари. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (lex.uz)
2. Смирнова И.Г. Концептуальные основы защиты жертв торговли людьми. // Уголовное право. – 2017. – № 5. – С. 112-116.
3. OSCE / ODIHR. National Referral Mechanisms: Joining Efforts to Protect the Rights of Trafficked Persons: A Practical Handbook. – Warsaw: OSCE, 2004. – P. 15-22.
4. UNODC (United Nations Office on Drugs and Crime). Toolkit to Combat Trafficking in Persons. Global Programme Against Trafficking in Human Beings. – New York: United Nations, 2008. – Chapter 5 (Inter-agency cooperation). P. 135-140.

5. Икрамов Ш.Т. Тезкор-кидирув фаолиятида идоралараро ҳамкорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 45-50.
6. Абдулҳақов Я.А. Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг хусусиятлари. Дисс. ... фалсафа доктори (PhD). – Тошкент: ИИВ Академияси, 2021. – Б. 148-152.
7. Рўзиев Ҳ. Одам савдоси жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг процессуал муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари. // Ҳуқуқ ва бурч. – 2023. – № 4. – Б. 52-56.
8. Ўша жойда (Рўзиев Ҳ. кўрсатилган асар).
9. Gould, Amanda. Modern Slavery: A Regional Focus. Master's Thesis. – University of Denver, Digital Commons @ DU, 2010. – P. 15-18.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг республика бўйича 2023-2025 йилларда ҳисобга олинган жиноятлар ҳақидаги маълумотлари асосида.
11. Мулладжанова Н.А. Уголовно-правовые аспекты торговли людьми на примере Республики Таджикистан. Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. – Душанбе, 2021. – С. 28-29.
12. IOM (International Organization for Migration). The Multi-disciplinary Approach to Combating Trafficking in Human Beings. Global Report. – Geneva: IOM, 2010. – P. 45-48.
13. Овчинский В.С. Криминология цифрового мира. Монография. – М.: Норма, 2018. – С. 245-250.